

Ishonch

2018-yil 6-fevral • seshanba • № 16 (3989)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Назира опа нега норози?

«2011 йилда менга Урганч шаҳар пенсия жамғармасидан хат келди. Унда менга ортиқча пенсия тўланганиги, 2013 йилнинг март ойигача пенсиямнинг ярми ушлаб қолиниши ёзилганди. Мен кўпга келган тўй, балки хато ёзишгандир, деб қўйвердим...»

3-бет



Хазина топганга мукофот борми?

Баъзан «тушимда хазина топиб олибман» деган гаплар қулоғимизга чалинади. Хазинага фақат тушда эмас, ўнгда ҳам дуч келиш мумкин. Мабодо сиз хазина топиб олсангиз, уни яшириб-нетиб юрманг. Бунга ҳолат йўқ. Сабаби, шундоқ ҳам топишган бойлик қийматининг эллик фоизи сизникидир.

3-бет



Умр дерлар буни...

Хаётда шундай инсонлар бўладики, улар ўз касбига умрини, борлигини бағишлайди. 40 йилдан бери масъул идораларда, жумладан, касба уюшмалари тизимда самарали меҳнат қилиб келаётган Равшан Маҳмадалиев, ҳеч шубҳасиз, шу тоифага мансуб.

4-бет



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2018–2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Кейинги йилларда республикада турар жойлар ва ижтимоий-маиший объектлар қурилишини ривожлантириш ҳамда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаларини янгилаш ҳисобга олинган ҳолда аҳоли пунктларини шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини шакллантирувчи шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар тизимли асосда амалга оширилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида республиканинг 96 та шаҳри ва 87 та шаҳар посёлкаси бош режалар билан таъминланди, 550 та қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларига эга.

Лойиҳа-кидирув ташкилотларининг фаолиятини янада тақомиллаштириш ҳамда республика минтақаларида истиқболли ва иқтисодий самарали инвестиция ечимларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этишда уларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадида 26 та етакчи лойиҳа-кидирув ташкилоти ҳамда «Ўзшаҳарсозлик-ЛИТИ» ДУКнинг 12 та филиали ташкил этилган.

Бирок шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари билан етарли таъминланмаганлиги уларни режалаштириш, ижтимоий-маданий ва ишлаб чиқариш йўналишидаги объектларни оқилона жойлаштириш, ривожлантиришнинг қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узок муддатли истиқболларини ҳисобга олган ҳолда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга тўққонлиқ қилувчи

жиҳатидан аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш талаб этилади.

Лойиҳа-кидирув ташкилотларининг илгор инновацион дастурий ечимлар ва замонавий ахборот базаси билан жиҳозланиши ҳамон етарли эмас, илгор хорижий тажриба сўз жорий этилмоқда, тармоқ учун зарур малакага эга бўлган кадрлар тайёрлаш етарли даражада амалга оширилмаётгани, бу, шубҳасиз, лойиҳа маҳсулотлари сифатига таъсир кўрсатмоқда.

Биринчи навбатда, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, улар билан аҳоли пунктларини ўз вақтида қамраб олишни таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш ва олий таълим муассасалари томонидан шаҳарсозлик соҳаси мутахассислари тайёрлаш сифатини ошириш борасида шаҳарсозлик соҳасидаги ишларнинг ҳолатини тўқдан тақомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2018–2022 йилларда республика шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг бош режаларини, шунингдек, қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг йўғма параметрлари 1-иловага мувофиқ;

2018–2022 йилларда республика шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастурури 2а ва 2б-илваларга мувофиқ;

2018–2019 йилларда аҳоли пунктларини батафсил режалашти-

риш лойиҳалари ишлаб чиқиши билан бир вақтда қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастури 3-иловага мувофиқ;

ишлаб чиқиладиган шаҳарсозлик ҳужжатлари сифатини яхшилаш, лойиҳа-кидирув ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлашни тақомиллаштириш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича комплекс тадбирлар 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон Фармони билан тасдиқланган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада тақомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурига мувофиқ маъмурий-ҳудудий бирикларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг белгиланган чегаралари ва тузилган хариталари асосида 2019 йил 1 февралгача бўлган муддатда 2020–2022 йилларда аҳоли пунктларини батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқишнинг би-

лан бир вақтда қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастури тайёрланишини ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

2»

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида Президентимизнинг 2018 йил 13 январдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақирувчи ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервиги бўшатиш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида муддатли ҳарбий хизматга қақирилган йиғитларни тантанали қўзатиш маросими ўтказилди.



Ёшлар муддатли ҳарбий хизматга қўзатилди

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон мудофаа қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар вакиллари, ҳарбий хизматчилар ва бўлажак аскарларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар самарасида ёшларда ҳарбий хизматга қизиқиш ортиб бораётгани, Ватан ҳимоясини бўлиш юксак шарафга айлангани алоҳида таъкидланди.

— Қалбда Ватанга муҳаббат туйғуси жўш уриб турган аскар йиғитлар сафига ўғлим Мухаммаджон ҳам қўшилганидан хурсандман, — дейди Бўка туманидан муддатли ҳарбий хизматга қақирилган М.Абдувалиевнинг онаси

Маъмура опа Усмонова. — Ўғлимни аскарлик либосида кўриб, кўзимга ёш келди. Улғайиб, Ватанимизга хизмат қиладиган ўқтам ва жасур йиғит бўлиб қолганини сезмай ҳам қолибман. Унинг доим спортга қизиқиши, касб-ҳунар коллежидан аъло баҳоларга ўқиганидан хурсанд бўлардим. Бугун уни ҳарбий хизматга қўзата туриб, кўнглимдаги энг эзгу орзулардан бири ушалаётганини ҳис қилдим.

Худди шундай тадбир Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси томонидан ўтказилиб, унда бир гуруҳ йиғитлар муддатли ҳарбий хизматга тантанали тарзда қўзатилди. Унда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар, бўлажак аскарлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Тадбирда бўлажак аскарларнинг ота-она-

лари ҳам сўзга чиқиб, ёшларнинг келгуси ишларига улкан зафарлар тилаб, дуо қилди.

— Болаликдаги орзуларим ушалиб, муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетаётганимдан хурсандман, — дейди Охунжон Мавлонов. — Хизмат даврида бор қуч-билиминини сарфлашга, ҳақиқий юрт ҳимоячиси бўлишга ҳаракат қиламан. Миллий армиямиз сафларида ўз йиғитлик бурчимни ўтаб, ота-онам ишончини оқлаш, юртимизга керакли инсон бўлиш асосий мақсадимдир.

Маросимда бўлажак аскарларга тапшиқотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди. Санъаткорлар ижросидаги Ватан, тинчлик ва ёшликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

А.МУСАЕВ,
ЎЗА муҳбири

Кўприк жиддий таъмирга муҳтож, мутасаддилар эса жим



4»

Телефоним жиринглади. Танишувдан сўнг кўнгирак қилувчи долзарб муаммо юзасидан мурожаат этаётганини билдирди.

Қишлоқ хўжалиги

Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани «Қарай» овул фуқаролар йиғини ҳудудида масъулият чекланган жамият шаклидаги «Agro kompleks Karakalpakstan» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси қурилиши бошланди.

Агромажмуа қурилиши бошланди

Мажмуа лойиҳаси Қорақалпоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган. Умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларида иборат мазкур лойиҳага 700 минг доллар хорижий инвестиция киритилиши режалаштирилган.

Лойиҳа икки босқичдан иборат: 1-босқичда хориждан 700 бош насли қорамол, 2-босқичда эса 2000 бош насли қўй келтирилади.

Қўшма корхонага ажратилган 540,3 гектар ернинг 386,8 гектари экин майдони учун мўлжалланган.

Лойиҳа ишга тушгач, аҳолининг мева-сабзавот, гўшт, сут маҳсулотлари, шунингдек,

чорванинг омичта эмга бўлган талаби шу йилнинг ўзида қаноатлантирилади.

Жорий йил ноябр-декабр ойларида гидропоника техникаси асосида иссиқхоналар қуриш, буғдой, шол ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш мақсадида хориждан замонавий ускуналар келтириш назарда тутилган.

Мажмуада қорамол, қўй, эчки боқиб ва туячиликни йўлга қўйиш режалаштирилган. Айни пайтда корхонада 20 киши доимий иш билан таъминланган бўлиб, мажмуа тўлиқ ишга тушгач, 100 дан ортиқ иш ўрни яратилади.

Анвар НАСИРЛАЕВ,
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон — истеъдодли ёшлар мамлакат

Япон тили билимдонлари

Тил билган — эл билади, дейди доно халқимиз. Тилшуносларнинг таъкидлашича, кимки ўз она тилини мукаммал эгалласа, бошқа тилларни ўзлаштириши анча осон кечади.

Риштонлик Ғанишер Назиров япон тилининг сир-синоатини кўп билан ўрганди. Буни бошқаларга ҳам ўргатиш мақсадида туман марказида «Риштон — Япония маданияти ва иқтисодий алоқалар маркази» қошида япон тили курсларини очди. Тилшунос Кейко Мацуданинг дарслари ва беминнат ёрдами туфайли ёшлар тез орада япон тили билимдонларига айланишди. Марказда бугун олтига гуруҳда 70 нафар ёшлар ўз устиди тинимсиз изланмоқда. Улар япон тили бўйича қатор танловларда ғолиб чиқиб, ўз истеъдодлари билан кунчиқар юрт вакиллари ва хайратга солишяпти.

Яқинда ўқув марказида «Lap-servis» ҳамда

«Nisso» компаниялари менежмент вакиллари 14 нафар ёшлар ўртасида япон тили бўйича саралаш имтиҳонлари ўтказди. Танловдан муваффақиятли ўтган 4 нафар талаба япон олий ўқув юртиларида бепул тахсил олиш имконини берувчи грантни қўлга киритди.

Марказнинг 16 йиллик фаолияти давомида бир неча ўнлаб истеъдодли ёшларимиз кунчиқар юртда таълим олиб, Ўзбекистон номини, маданияти ва кадриятларини япон юртида намойиш этиб, халқларимиз ўр-

тасидаги ҳамкорлик, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшди.

— Беш йилдирки, япон тилини ўрганиб келаман, — дейди Риштон академик лицейи талабаси Ойбек Ўринбоев. — Бу ўз самарасини бериб, сўзлашув бўйича имтиҳондан муваффақиятли ўтдим ва олий таълим йўланмасини қўлга киритдим. Японияда тахсил олиш учун билимларимни янада мустаҳкамлашга бел боғлаганман.

Тил ўрганишга бўлган иштиёқ, ғайрат ва саъй-ҳаракатлар ўз меvasини бермоқда. Айни кунларда марказнинг собиқ талабалари Алишер Аҳмедов ҳамда Дониёр Назиров Япония олий ўқув юртиларида таълим олмақда.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2018–2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

3. Ушбу қарор билан тасдиқланган дастурларни амалга ошириш бўйича буюртмачи функцияси Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига юклансин.

4. Қуйидагилар:
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК — шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқувчи;
«ТошкентбошпланЛИТИ» ДУК — Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари, Тошкент вилояти шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқувчи;
«Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ — қишлоқ жойларда қишлоқлар, овуллар ва шаҳар посёлкаларининг бош режаларини, қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларининг архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларини ва улар таркибиде батафсил режалаштириш лойиҳаларини ҳамда ушбу батафсил режалаштириш лойиҳалари учун топогеодезия ҳариталарини ишлаб чиқувчи;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги «Лойиҳа-кидирув ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2946-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган минтақавий етакчи лойиҳа-кидирув ташкилотлари — лойиҳага кўра аҳоли сони 20 минг кишидан кам бўлган шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ишлаб чиқувчилар;
«ЎЗГАШКЛИТИ» ДУК — топография-геодезия ишларини ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун муҳандислик-геология кидирувларини ижро этувчи этиб белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ҳар йили Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси ривожлантириш Давлат дастури лойиҳаларини шакллантиришда ушбу қарор билан тасдиқланган лойиҳаларни амалга оширишни молиялаштиришга

белгиланган тартибда зарур маблағларни назарда тутсинлар.

6. Белгилаб қўйилсинки:
лойиҳага кўра аҳоли сони 20 минг кишидан кам бўлган шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари, қоидага кўра, энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида аниқланган ушбу қарорнинг 4-бандида кўрсатилган лойиҳа-кидирув ташкилотлари томонидан ишлаб чиқишлини керак;
минтақавий етакчи лойиҳа-кидирув ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган аҳоли пунктларининг бош режалари фақат тегишли равишда «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК ва «ТошкентбошпланЛИТИ» ДУКнинг бош лойиҳа-кидирув ташкилотлари билан келишилгандан кейин тасдиқланиши керак;

Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг ҳамда бошқа шаҳарларининг бош режаларини ишлаб чиқишга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан тузилган лицензия битимлари асосида архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳуқуқига лицензия олинмасдан хорижий лойиҳа-кидирув ташкилотлари танлов асосида жалб этилиши мумкин;

Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бош бошқармалари ҳузуридаги «Архитектура-режалаштириш бюроси» давлат унитар корхоналари тасдиқланган бош режаларга эга бўлган аҳоли пунктларининг майдони ўн гектардан ортиқ бўлмаган ҳудудларида уларнинг қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ва қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқишга ҳақлидир.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси 2а-иловага мувофиқ 2018–2022 йилларда республика шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ишлаб чиқиш дастури ва 2б-иловага мувофиқ 2018–2022 йилларда республика шаҳар посёлкаларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастури доирасида шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режаларини

ишлаб чиқиш бўйича потенциал лойиҳа-кидирув ташкилотлари 2018 йил февраль ойи мобайнида белгиланишини, шунингдек, келгуси йилларда кўрсатиб ўтилган дастурларнинг параметрларини тайёрлаш доирасида ҳар йили:

1 декабрда — энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа-кидирув ташкилотлари белгиланишини;

1 январда — шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа-кидирув ишларининг тасдиқланган манзилли ва титул рўйхатлари тасдиқланишини, кейинчалик лойиҳа-кидирув ташкилотлари билан шартномалар тузилишини;

«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ТошкентбошпланЛИТИ» ДУК, «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ, «ЎЗТАШКЛИТИ» ДУК ва минтақавий етакчи лойиҳа-кидирув ташкилотлари билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган дастурларда назарда тутилган муддатларда шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари ҳамда қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларининг архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳалари ишлаб чиқишлини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси:

«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ТошкентбошпланЛИТИ» ДУК ва «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ билан биргаликда шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларини қуришда уларга риоя этилиши юзасидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг мунтазам равишда мониторингини олиб бориш, кейинчалик мониторинг натижаларини ҳар бир йил якуналари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қиритсин;

олий таълим муассасалари базасида мутахассис архитекторлар, дойиҳадаштирувчилар ва қурувчиларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни такомиллаштириш ташкил этилишини назарда тутган ҳолда «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ТошкентбошпланЛИТИ»

ДУК, «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ ва минтақавий лойиҳа-кидирув ташкилотлари томонидан ишлаб чиқиладиган шаҳарсозлик ҳужжатлари сифати оширилишини таъминласин;

уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаларини қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

тураржойлар, ижтимоий соҳа объектлари ва инфратузилманинг намунавий лойиҳалари асосида шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктлари қурилиши тегишли аҳоли пунктларининг тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига ва зарурат бўлганда уларга белгиланган тартибда киритиладиган тузатишларга қатъий мувофиқ равишда қурилишини; минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни режалаштиришда ва ҳудудларни қуришда шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилишини таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси лойиҳа-кидирув ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида белгиланган тартибда:

икки ой муддатда «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ТошкентбошпланЛИТИ» ДУК ва «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖнинг етакчи лойиҳа-кидирув ташкилотлари тузилмасига ҳудудларни режалаштириш ва қуриш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида улар фаолиятининг самарадорлигини оширишни, шунингдек, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ҳажм-режалаштириш жиҳатидан лойиҳалаштиришни назарда тутувчи ўзгаришлар киритилишини;

лойиҳа-кидирув ташкилотлари ва шаҳарсозлик фаолиятининг бошқа иштирокчилари орасида тегишли долзарб ахборотни тезликда ва кенг қўламли тарқатиш имконини берувчи замонавий техник даражадаги ахборот-таҳлилий база ташкил этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги лойиҳалаштириш, қурилиш жара-

ёнини ташкил этиш ва бошқаришнинг янги усулларини, шунингдек, илғор қурилиш технологияларини жорий этиш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида архитектура соҳасида хорижий илмий-тадқиқот ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатишда Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектур ва қурилиш қўмитасига ҳар томонлама қўмаклашсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

таълимнинг янги талаб этилган йўналишлари (қурилишда маркетинг, қурилишда менежмент ва бошқалар) бўйича қурилиш тармоғида юзга келаётган кадрларга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ҳар йили 1 декабрда таълимнинг ушбу йўналишларини очиб ва бўлажақ ўқув йилида улар бўйича қабул квоталарини белгилаш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига ягона шаклларга мувофиқ аниқланган эҳтиёжлар бўйича асосланган таклифларни қиритсинлар;

тармок мутахассисларининг малакасини ошириш учун тизимли асосда тажриба алмашишни ва мақсадли тажриба орттиришларни ташкил этиш учун ҳар йили 1 декабрда етакчи ихтисосли хорижий олий таълим ва тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорлик дастурларни ишлаб чиқишлини ва тасдиқланишини таъминласинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси Б.И.Закиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 феврал

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018–2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига шарҳ

Кейинги йилларда республикада шаҳарсозликни такомиллаштириш соҳасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Замонавий ижтимоий объектлар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаган ҳолда аҳоли қаровонлиги даражасини ошириш, арзон ва айни вақтда қулай ҳамда шинам уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш борасидаги ишлар шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасида сезиларли ўзгаришлар ясамоқда.

Шу билан биргаликда замонавий бинолар, иншоотлар, кўп функцияли комплексларни барпо этишгагина эмас, балки аҳоли пунктларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қўмаклашувчи янги истироҳат боғлари, хиёбонлар, сув ҳавзалари ва спорт иншоотлари билан биргаликда рекреация зоналарини барпо этишга ва мавжудларини ободонлаштиришга катта эътибор берилмоқда.

Ривожланишнинг бош режаларини ишлаб чиқиш жараёни ҳудудларни режалар ва босқичма-босқич қуришнинг асоси ҳисобланади.

Ушбу омил ҳисобга олинган ҳолда қуйидаги чоралар кўрилди:

биринчидан, мақсадли давлат дастурларига мувофиқ 96 та шаҳар ва 87 та шаҳар посёлкалари учун бош режалар ишлаб чиқилди ҳамда 550 та қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари учун ҳудудларни меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳалари тайёрланди;

иккинчидан, бош режаларни сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқишни таъминлаш мақсадида республика ҳудудларида қўшимча равишда 26 та етакчи лойиҳа-кидирув ташкилоти ҳамда «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» давлат унитар корхонасининг 12 та филиали ташкил этилди, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишга жалб этилган бош лойиҳа ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш чоралари белгиланди.

Шу билан биргаликда шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, вазирлиқлар ва идоралар томонидан қўрилган чоралар етарли бўлмаганлиги сабабли 23 та шаҳар, 994 та шаҳар посёл-

каси ва 922 та қишлоқ аҳоли яшаш жойлари тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига эга эмас.

Лойиҳа ташкилотларининг замонавий техник воситалар, илғор инновацион дастурий маҳсулотлар ва зарур ахборот базаси билан етарлича таъминланмаганлиги лойиҳа маҳсулотининг сифати пасайишига ва ишлаб чиқиш муддатлари қўзилишига олиб келмоқда. Хорижий тажрибани ўрганишда ва кадрларни тайёрлаш жараёнида тизим йўқлиги ҳам лойиҳа-кидирув ишларининг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, улар билан аҳоли пунктларини ўз вақтида қамраб олиш учун шарт-шароитлар яратишни, лойиҳа ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштиришни, ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари томонидан архитекторлар, қурувчилар ва тармокнинг бошқа мутахассисларини тайёрлаш сифатини оширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018–2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорда қуйидаги чоралар назарда тутилган:

биринчи — 2018–2022 йилларда республика шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастурлари, 2018–2019 йилларда аҳоли пунктларини батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқишлини билан бир вақтда қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастури ҳамда Ишлаб чиқилаётган шаҳарсозлик ҳужжатлари сифатини яхшилаш, лойиҳа-кидирув ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш таъминлаштириш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича комплекс тадбирлар тасдиқланди;

иккинчи — 2018–2022 йиллар даврида 23 та шаҳар ва 115 та шаҳар посёлкаси бош режалари

ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Жизз-зав вилоятида 55 та қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳалари ишлаб чиқишлини белгиланди;

учинчи — шаҳарсозлик ҳужжатлари сифатини яхшилаш ва ўз вақтида ишлаб чиқиш мақсадида ушбу қарор билан тасдиқланган дастурларни амалга ошириш бўйича буюртмачи функцияси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияларидан Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектур ва қурилиш бош бошқармаларига олиб берилди;

тўртинчи — ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотлари «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» давлат унитар корхонаси ва «ТошкентбошпланЛИТИ» давлат унитар корхонаси билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги «Лойиҳа-кидирув ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2946-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган минтақавий етакчи лойиҳа-кидирув ташкилотлари лойиҳага кўра аҳоли сони 20 минг кишидан кам бўлган шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ишлаб чиқишга жалб этилмоқда. Шу билан биргаликда «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖга қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан биргаликда қўшимча батафсил режалаштириш лойиҳаларини ҳамда ушбу батафсил режалаштириш лойиҳалари учун топогеодезия ҳариталарини ишлаб чиқиш юкланмоқда;

бешинчи — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига, шунингдек, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет параметрларида тегишли маблағлар ажратилишини назарда тутиб ушбу қарор билан тасдиқланган дастурларни амалга оширишни молиялаштиришга ҳар йили зарур маблағлар ажратилишини таъминлаш юкланди;

олтинчи — шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишга тор доирадаги республиканинг лойиҳа ташкилотларига монопол ҳуқуқ берилиши амалиётидан воз кечиш мақсадида қарор билан биринчи марта Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг ҳамда бошқа шаҳарларининг бош режаларини ишлаб чиқишга хорижий лойиҳа-кидирув ташкилотларини танлов асосида жалб этиш назарда тутилмоқда;

еттинчи — лойиҳа-кидирув ташкилотлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига икки ой муддатда «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ТошкентбошпланЛИТИ» ДУК ва «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖнинг етакчи лойиҳа-кидирув ташкилотлари тузилмасига ҳудудларни режалаштириш ва қуриш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида улар фаолиятининг самарадорлигини оширишни, шунингдек, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ҳажм-режалаштириш жиҳатидан лойиҳалаштиришни назарда тутувчи долзарб ўзгаришлар киритилишини, шунингдек лойиҳа-ташкилотлари ва шаҳарсозлик фаолиятининг бошқа иштирокчилари орасида тегишли долзарб ахборотни тезликда ва кенг қўламли тарқатиш имконини берувчи замонавий техник даражадаги ахборот-таҳлилий база ташкил этилишини таъминлаш вазифаси қўйилди;

саккизинчи — илғор хорижий тажрибани синчиклаб ва тизимли ўрганмасдан ҳеч бир соҳада илғор технологияларни жорий этишдан реал натижаларга эришиб бўлмаслигини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига архитектура соҳасида хорижий илмий-тадқиқот ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатишда Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига ҳар томонлама қўмаклашиш топширилди;

тўққизинчи — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига

тармок мутахассисларининг малакасини ошириш учун тизимли асосда тажриба алмашишни ва мақсадли тажриба орттиришларни ташкил этиш учун ҳар йили 1 декабрда етакчи ихтисосли хорижий олий таълим ва тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорлик дастурлари ишлаб чиқишлини ва тасдиқланишини таъминлаш топширилди;

ўнинчи — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига таълимнинг янги талаб этилган йўналишлари бўйича кадрларга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ҳар йили 1 декабрда таълимнинг ушбу йўналишларини очиб ва улар бўйича қабул квоталарини белгилаш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига ягона шаклларга мувофиқ аниқланган эҳтиёжлар бўйича асосланган таклифларни қиритиш вазифаси юклатилди.

Ташкиллаш керакки, ишлаб чиқилаётган шаҳарсозлик ҳужжатлари сифатини яхшилаш, лойиҳа-кидирув ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича комплекс тадбирлар шаҳарсозлик соҳасида норматив-ҳуқуқий ва норматив-техник базани такомиллаштиришга йўналтирилган чораларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурлари тасдиқланиши киска муддатда барча шаҳарларини, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ ҳудудларининг бир қисмини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш имконини беради, бу эса аҳоли пунктларининг қиёфасини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади, кўчаларни ва бошқа ҳудудларни тартибсиз ва ўзбошимчалак билан қуриш ҳолатларининг олдини олади, яъни аҳолининг қулай яшаш даражасини оширишга қўмаклашади.

Аҳоли ҳаёт фаолияти учун қулай муҳит яратиш, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва муҳандислик-транспорт инфратузилмаси ривожланган обод аҳоли пунктларини барпо этиш янги шаҳарсозлик сисёати амалга оширилишининг натижаси бўлиши керак.

Муносабат

Беҳуда ўтган йиллар

Президентимизнинг «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони соҳада туб бурилишлар даврини бошлаб бермоқда. Фармон кўпчилик юртдошларимиз, айниқса, 9-синф битирувчилари ва уларнинг ота-оналарини ўйлантириб келаётган масалаларнинг ечими бўлди.

— Ўтган йили Бағдод тумани касб-хунар коллежини тикув ва тўкув, трикотаж технологияларига техник хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича тамомладим, — дейди Гулҳаё Юсубжоновна. — Лекин ўқув жараёнидан кўнглим тўлмади. Уйимиз ва ўқув маскани орасидаги масофа узоқлиги, кий пайтлари хавонинг совуқлиги сабабли қатнашга қийналардим. Хуллас, дарсга бормаслик учун ҳамиша баҳона топиладди. Коллежда текширувчилар келадиган пайтдагина гуруҳ раҳбарларимизнинг илтимоси билан дарсга борардим.

Сухбатдошимиз дарсларда ўқувчилар бирор марта тўлик қатнашгани, ўқитувчилар қорасизликдан синфхонага ташқаридан болаларни олиб келганига ҳам гувоҳ бўлганини айтди. Унинг ўзи ҳам 3 йил мобайнида дарсга бор-йўғи олти ойлар қачасигина узлуксиз қатнаганини тан олди.

— Ўқишга борганим билан деярли дарс бўлмасди, — дея суҳбатни давом эттирди у. — Ўқитувчиларимизнинг яри болаларни дарсларга жалб қилиш учун уйма-уй юришарди. Дарсликлар-

дан умуман фойдаланмасдик. Тикувчиликни ўрганиш учун керак бўладиган техник ускуналаримиз — тикув, йигирув машиналари ҳам анча эски. Тахминан ўтган асрнинг 90-йилларида ишлаб чиқарилган. Бундай техникалар ҳозир ҳеч бир замонавий корхона ёки тикувчилик цехида ишлатилмайди. Уларни ўрганишдан бизга заррача фойда йўқ. Амалий дарслар ҳам деярли ўтилмасди. Чунки тикув машинаси ишлаган пайтларда қомашё, яъни турли мато, иллар бўлмасди. Кўпинча матоларни уйдаги эски-туски кийим ва ёстикларни бузиб тўплардик. Бундан ташқари, менимча, «тикувчи» деган мутахассислик дипломи олиш учун уч йил ўқиш ҳам шарт эмас. Беш-олти ой бирор қўли гул чеварга шогирд тушган қизлар менидан кўра яхши тикувчи бўлиб етишди. Унча-мунча замонавий тикув машиналарини тузата олишда ҳам. Бундан ташқари, ҳозир тикувчи, бисер тайёрловчи, тўкувчи, ошпаз, қандолатчи, компютер мутахассиси, хатто бухгалтерларни қисқа фурсатларда тайёрлайдиган хусусий ўқув марказлари ва курслари

ҳам кўп. Менинг эса уч йил умрим беҳуда кетгани қолди. Дипломни ҳам олдим. Лекин мутахассислигим бўйича ҳеч қасрдан иш тополмадим. Чунки олган озгинагина билимларим ҳеч бир иш берувчига керак эмасди. Айни пайтда иккинчи мутахассислик бўйича тиббиёт коллежида таҳсил оляпман.

Янги фармон таълим тизимидаги ёшларимизга нокўлайлик тугдираётган камчиликларини бартараф этди. Бундан ташқари, баъзи касблар бўйича қисқа муддатли ўқувларнинг ташкил қилинаётгани уларнинг тезлик билан зарур мутахассислик ва касбга эга бўлишига қўмаклашди. Тўғри-да, гишт ёки кафел терувчилик учун уч йил ўқишнинг нима ҳожати бор. Фармонга асосан бу каби касбларни олти ой муддат ичида ўрганиш ва ишга жойлаштиш имконияти пайдо бўлди. Ўқишни бошқа мутахассислик бўйича давом эттириш нияти нуқулга келганида олий ўқув юртиларига жавоб берадиган бўлганича бемалол ўз шаҳри, қишлоғида ота-онаси, қадрдон устозлари назоратида тарбияланадилар.

— Курилиш-транспорт касб-хунар коллежини битирганимга 4 йил бўлди, — дейди Акмал Тургунов, — 19 ёшда институтга ҳужжат топширдим. Коллежда ўқиганим туфайли бир йил вақтимни беҳуда йўқотдим. Бундан ташқари, олий ўқув юртида тарих йўналиши бўйича ўқимокчи бўлдим. Коллеждаги ақуний имтиҳонлар олий

ўқув юртига тайёргарликнинг айни дозарб пайтига тўғри келди. Шу сабаб бўлдики, омадим келмадим, хуллас институтга қира олмадим. Кейинги йили ҳарбий хизматга кетдим. Коллеж дипломи, ҳарбий гувоҳнома билан бирор иш топилишига умид қилганим. Аммо икки йилдан буён ишсизман. Бир-икки марта Россияга бориб ишлаб келдим. Коллежда 3 йил умримни кетказиб эришганим ҳайдовчилик гувоҳномаси, холос. Ўқув даргоҳимиз болаларни дарсга жалб қилиш учун битирувчиларга ҳайдовчилик гувоҳномаси беришни йўлга қўйганди. Чунки бу ерда тайёрланаётган мутахассисликлар бўйича ҳеч қим таълим олишни истамасди. Фақатгина ҳайдовчилик гувоҳномасини бепул олиш учун дарсга келардик. Энди ўйлаб кўрсам, биргина шунга уч йил умримни ўтказиш гирт аҳмоқлик бўлган экан. Уч ой ҳайдовчилик курсида ўқиб ҳам гувоҳномани олган бўлардим. Аммо бизнинг бошқа чорамиз йўқ эди. 9-синфни битиргач, қардашлар таълимни давом эттиришимиз керак эди-да.

Президент фармони билан ниҳоят бу каби ҳолатларга чек қўйилди. 11 йиллик таълим тўлик тикланди. Ҳали оқ ва қорани ажрата олмайдиган ёшгина болалар ақлини таниб олиши, ростмана воғая етиб хатти-ҳаракатларига жавоб берадиган бўлганича бемалол ўз шаҳри, қишлоғида ота-онаси, қадрдон устозлари назоратида тарбияланадилар.

Шоҳсанам МИРЗАОЛИМОВА,
журналист

Билиб қўйган яхши!

Баъзан «тушимда ҳазина топиб олибман» деган гаплар қўлоғимизга чалинади. Ҳазинага фақат тушда эмас, ўнгда ҳам дуч келиш мумкин. Мабодо сиз ҳазина топиб олсангиз, уни яшириб-нетиб юрманг. Бунга ҳожат йўқ. Сабаби, шундоқ ҳам топилган бойлик қийматининг эллик фоизи сизникидир.

Ҳазина топганга мукофот борми?

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 196-моддасига кўра, эгаси аниқланиши мумкин бўлмаган ёки қонунга биноан ҳуқуқларини йўқотган ҳазина, яъни ерга қўмилган ёки бошқача усулда яширилган пул ёхуд қимматбаҳо буюмлар ҳазина яшириб қўйилган мол-мулк (ер участкаси, иморат ва шу қабилар) мулкдори бўлган шахс ва ҳазинани топган шахс мулкига, агар улар ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, тенг улушларда ўтади.

Ҳазина у яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулк эгасининг розилигисиз қазимиша ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс томонидан топилган тақдирда, бу ҳазина у топилган ер участкасининг ёки бошқа мол-мулкнинг эгасига топширилиши керак.

Тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига қирадиган ашёлардан иборат ҳазина топилган тақдирда, улар давлатга топширилиши керак. Бунда ҳазина яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулкнинг эгаси ва ҳазинани топган шахс биргаликда ҳазина қийматининг эллик фо-



изи миқдорида мукофот олиш ҳуқуқига эгадирлар. Агар улар ўртасидаги келишувда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, мукофот бу шахслар ўртасида тенг улушларда тақсимланади.

Бундай ҳазинани у яшириб қўйилган мол-мулк эгасининг розилигисиз қазимиша ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс топиб олса, бу шахсга мукофот тўланмайди ва ҳазина батамом мулкдорнинг ихтиёрига ўтади.

Ҳазина топиш учун қазимиша ва қидирув ишларини олиб бориш меҳнат ёки хизмат ва-зифаларига қирадиган шахсларга нисбатан ушбу модданинг қоидалари қўлланилмайди.

Ҳуқуқ ва ҳалқаро ҳаёт бўлими

Журналист сүриштируви

Назира опа нега норози?

Қариган чоғимда «ёзувчи» деган ном олдим, дея ҳасрат қиладиган урганчлик Назира Худайберганова таҳририятимизга йўллаган шикоят хатида. Онахон пенсия пули кам ҳисобланаётганидан норози. Бу ҳақда бир неча бор тегишли ташкилотларга мурожаат қилган. Бироқ берилган жавоблардан қониқиш ҳосил қилганича йўқ. Ким билсин, балки мутасадди ташкилотларнинг ўзлари ҳам ишининг боши-ке-тини топа олмаётганидан шундай бўлаётгандир...

Н.Худайберганова 2006 йилда 38 645,66 сўм миқдордаги белгиланган нафақа билан пенсияга чиққан. Онахоннинг пенсия дафтрасида ҳам ушбу рақам қайд қилинган. Аммо бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Хоразм вилоят бошқармаси томонидан Н.Худайбергановага йўлланган жавоб хатида унга 2006 йил 21 апрелдан 33 йил 8 ой иш стаж билан 19 827 сўм миқдорда имтиёзли равишда ёшга доир пенсия тайинланганлиги кўрсатилган. Биз бошқарма мутасаддиларидан ушбу масалага ойдинлик киритишларини, икки хил рақамнинг пайдо бўлиш сабабларини сўрадик.

Уларнинг маълумотларига кўра, «собик Урганч шаҳар ижтимоий таъминот бўлими пенсия ва нафақаларни тайинлаш мутахассиси томонидан онахонга 38 645 сўм миқдорда пенсия тайинланиб, пенсия ва нафақаларни тайинлаш комиссиясига тақдим қилинган, бироқ пенсия иш ҳужжатлари тегишли тартибда ўрганиб чиқилиб, фуқарога пенсия тайинланганида иш ҳақлари нотўғри ҳисобга олинганлиги аниқланган ва тасдиқланмасдан қайта ҳисоблаш учун пенсия тайинлаш мутахассисига қайтарилган. Мавжуд хато-камчиликлар бартараф қилингандан сўнг бўлимининг пенсия ва нафақалар тайинлаш комиссиясининг 2006 йил 29 августдаги 578-сонли қарорига асосан 19 827 сўм миқдорда ёшга доир пенсия тайинланган. Ушбу ҳолатдан норози бўлган фуқаро Н. Худайбергано-ванинг мурожаатига асосан 2007 йил 1 январдан тайинланган пенсия нотўғри иш ҳақларига асо-сан қайта ҳисобланиб, бир ойлик пенсия миқдори 55 563,88 сўм қилиб белгиланиб, 2011 йил феврал ойигача тўлаб келинган».

— Шикоят қилганим рост, аммо пенсиям 19827 сўм қилиб белгилангани учун эмас. Ўша йили октябр ойида 22 минг сўм олганимдан кейин норози бўлганман, — дейди Назира опа (Унинг бизга тақдим қилган юқорида келтирилган маълумотнома нусхасида Худайберганова 2006 йил октябрда 22799 сўм пенсия олганини кўрсатилган).

Биз Назира опа пенсияга чиққан пайтда мамлакатимизда энг кам пенсия миқдори қанча бўлганлиги билан қизикдик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 июндаги ПФ 3761-сонли Фармонининг 2-бандида:

«2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам иш ҳақи — ойига 10800 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 21395 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нул-линч) разряд — ойига 10800 сўм деб белгиланган.

Ғалати ҳолат: Пенсия жамғармаси томонидан тақдим қилинган маълумотларда кўрсатилган рақамларга асосланса, 2006 йил 29 августда Н.Худайбергановага амалдаги энг кам ёшга доир пенсиядан ҳам кам миқдорда пен-

сия тайинланган бўлиб чиқмайдими?

Дарвоқе, Пенсия жамғармаси вилоят бўлими томонидан бизга тақдим қилинган 2011 йил 18 январдаги далолатнома иловасига асосланганидан бўлса, 2006 йил октябр ойида Н.Худайбергано-вага 31340,61 сўм пенсия тўланганлигини кўри-шимиз мумкин. 19827 сўм пенсия тайинланган фуқарога нима учун 31340,61 сўм тўланганлигини изохлашни ҳам мутасаддилар ихтиёрига қолди-риб, воқеаларни қузатишда давом этамиз.

Н.Худайберганова 2007 — 2011 йилларда на-фақа пулларини ўз муддатларида тўлиқ олиб кел-ган. Бу ҳақда Пенсия жамғармаси вилоят бўлими-нинг саволинигиз жавобини ҳам юқорида келтир-ган эдик. Жавобнинг давомида шундай сатрлар бор: «Айнан иш ҳақлари ҳисобга олинган ҳолда ушбу нотўғри тайинланган пенсия 2011 йил 18 январда Хоразм вилояти назорат тафтиш бошқар-маси мутахассислари томонидан аниқланиб, 1 769435 сўм миқдорда Жамғарма маблағлари ор-тиқча тўланганлиги аниқланган».

Пенсия жамғармаси вилоят бўлими томонидан тақдим қилинган 2011 йил 18 январда имзолан-ган далолатнома иловасига таянгандан бўлса, Н. Худайбергановага 2006 йил октябрда 26738,33 сўм пенсия тўланиши керак бўлган. (Бу ҳам 19827 сўм миқдорини рад қилаяпти). Амалда 31 340,61 сўм тўлангани учун 4602,32 сўм ортиқча тўланган деб топишган. Худди шу тахлитда 2006 йил октябр-дан 2011 йил 1 февралга қадар тўланган пенсия-даги фарқ ҳисоблаб чиқилган».

Далолатнома нусхасига таянгандан бўлса, Н.Худайбергановага 2006 йил 21 апрелда ёшга доир пенсия тайинланган. Фуқаронинг пенсия иши ҳужжатларига илова қилинган иш ҳақлари тўғрисидаги Урганч туман архивидан 2006 йил 7 мартда берилган маълумотнома Урганч туман идо-ралараро ШТХ архивда мавжуд бирламчи ҳуж-жатлар асосида қайта текширилганда даромадлар ошмишқа киритилганлиги аниқланган. Бунда фука-ронинг 1989 — 1993 йиллардаги даромади ҳи-собга олинган. Далолатномага кўра, 1989 йилда пенсия ишида мавжуд даромадлар 2797 сўм қилиб кўрсатилган, текширишда бу миқдор 1797 сўм-лиги аниқланган. 1990 йилда 4 922 сўм қилиб кўр-сатилган, текширишда 1922 сўмгаги аниқланган. 1991 йилда пенсия ишида 4221 сўм қилиб кўрса-тилган, текширишда 2721 сўмгаги аниқланган. 1992 йилда 44400 сўм қилиб кўрсатилиб, амалда 40160 сўмгаги аниқланган. 1993 йилда 297828,71 сўм қилиб кўрсатилган, фарқ аниқланмаган. Жами фарқ 10240 сўм деб топишган. Иш ҳақи тўғриси-даги маълумотларни Урганч туман архивининг ўша пайтдаги директори тақдим қилган. Мута-саддилар ушбу маълумотномага таяниб, фарқни аниқлашган.

«2011 йилда менга Урганч шаҳар пенсия жамғармасидан хат келди. Унда менга ортиқча пенсия тўланганлиги, 2013 йилнинг март ойигагача

пенсиямнинг ярами ушлаб қолиниши ёзилганди. Мен кўпга келган тўй, балки хато ёзишгандир, деб кўзвердим. Шундан кейин 2013 йил июнча пен-сиямнинг ярмини ушлаб қолишди», деб ёзади На-зира опа.

2013 йил июл ойида Н.Худайберганова умуман пенсия олмайдиган. Бундан норози бўлиб, Урганч шаҳар прокуратурига мурожаат қилади. Ариза ўр-ганилганда, Урганч шаҳар пенсия ва нафақаларни тўлаш гуруҳи мутахассиси эътиборсизлиги нати-жасида пенсиянинг ярами ушлаб қолиниши ўрнига, тўлиқ ушланганлиги маълум бўлади ва ҳуқуқ тар-тибот идоралари аралашуви билан англашилмо-чилик бартараф қилинади.

«Бироқ шундан сўнг пенсиям умуман қамайиб кетди», деб ёзади шикоятчи ўз мурожаатида. Н.Ху-дайберганова 2013 йилдан бошлаб 190 минг сўм пенсия ола бошлайди. Мутасаддиларга ўз норо-зиллигини билдиради. Бироқ мурожаатлари эъти-борсиз қолади. Н.Худайберганованинг айтишича, у ўзининг 2006 йилда 19 827 сўм билан пенсияга чиққанлигини ўша йили билган ва ҳайрон бўлган.

2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг виртуал қабулхонаси фаолият бошла-гач, минглаб юртдошларимиз қатори Н.Худай-берганова ҳам ўз муаммолари билан мурожаат қилади. Ушбу аризага Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Хоразм вилоят бошқармаси-дан жавоб олади. Н.Худайберганова бизга ушбу жавоб нусхасини тақдим қилди. Унда фуқарога 2006 йил 21 апрелдан 33 йил 8 ой иш стаж бил-лан 19827 сўм миқдорда имтиёзли равишда ёшга доир пенсия тайинлангани ва 2007 йилнинг ян-вар ойидан тайинланган пенсия қайта ҳисобланиб, 55653,88 сўм миқдорда белгилангани кўрсати-лган. Зукко ўқувчи англаганидек, бошқарма томо-нидан бизга берилган жавоб хатида, комиссиянинг 2006 йил 29 августдаги қарорига асосан 19827 сўм тайинлангани айтилганди. Келинг, жавоблардан бирда «техник хато ўтган» деб ҳисоблаб, қўзи-мизни юямиз-да, навбатдаги масалага ўтамиз.

Шикоятчи тўлиқ пенсиясини ёшга доир энг кам пенсияга тенглаштиришда ва меҳнат стаж ино-батга олинмаганлигидан шикоят қилади. Биз му-тасаддилардан ушбу масалага аниқлик киритиш ларини сўраганимизда, фуқаро Н.Худайбергано-вага «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги» қонуннинг 12-моддасида белги-ланган имтиёзга асосан муддатидан бир йил ол-дин ёшга доир пенсия тайинланганлигини, бу-гунги кунда 33 йил 8 ой иш стаж билан ҳақиқий ўртача иш ҳақи миқдори 582 911,99 сўмни ташкил қилганини сабабли бир ойлик пенсиянинг таянч миқдори 336880 сўм, ортиқча иш стаж учун ўр-тача иш ҳақининг бир фоизи миқдорида, жами ўн уч фоиз ошириш қўлланган ҳолда 75778,56 сўм устама белгиланиб, жами бир ойлик пенсия миқ-дори 412 658,56 сўмни ташкил қилишини билди-ришди. Дарҳақиқат, пенсия қонун доирасида тай-инланган.

Бироқ... Ўтган бир ой давомида Назира опа билан бир неча марта мулоқотда бўлдик. Бу жараёнда онахон ҳақида кўп нарсаларни билиб олдик. Тақдир бу аёлдан турли синовларини аямаган. Етимлик азоб-ничи чеккан, болалар уйда қатта бўлган. Турмуш ўртоғидан эрта ажраб қолган.

Бутун умр ҳалол меҳнат қилган. Кутубхоначи, кадрлар бўлими мутахассиси, ҳисобчи бўлиб ишлаган. Сўнгги йилларда болалар боғчасида фа-олият олиб борган, пахта етиштириш ва йиғиб-те-риб олишга ҳам ўз ҳиссасини қўшган. Кўрина-дики, меҳнатдан қочмаган, чиройли турмуш ке-чириш, икки фарзандини ҳалол ёдириб-ичириш учун бор имкониятини ишга солган. Бу орада 1980 — 1984 йилларда М.Харратов номли Урганч дав-лат мусика билим юртини хор дирижёри ихтисос-лиги бўйича тамомлаб, умумтаълим мактабларида мусика фанидан дарс бериш имконига эга бўлган. Онахон ўз ҳаёти ҳақида гапирганида, хар сафар кўзи ёшланганини кўриб, очиги, дилим оғрийди.

— Энди нима қилсам экан, — деди Назира опа Пенсия жамғармаси вилоят бошқармасининг бизга тақдим қилган жавоби билан танишгач. — Тошкентга бориб, Пенсия жамғармасидагиларга учраб кўрсам, дардимни тинглайдиган топила-риники? Менинг пенсиямни ноҳақ қамайтиришди. Шундай бўлмаганида, бошқаларни овора қилиб, шикоятбозлик қилиб юрармидим...

Бир тарафдан онахоннинг «ўжар»лигидан ран-жидим, ахир мутасаддилар барча саволларимизга тўлиқ жавоб беришган, эътирозга ўрин қолдириш-маган, бу аёл нега тушунишни истамайди, деган ҳаёлга бордим. Кўнглим эса нима сабабдан салкам ўттиз тўрт йил меҳнат қилган инсон 66 ёшида сар-сон-саргардон юриши керак, деган саволни ўртага ташлади.

— Мен меҳнат фаолиятим ҳақида сохта маълумот тақдим қилмаганман. Мана, «наъчисление» китобидан кўчирмаларни кўринг, тўғридан-тўғри нусха кўчиртириб олганман, — дейди Назира опа. — 2011 йилда ўтказилган текширишда пахта етиштиришда, йиғим-теримда олган пулларим инobatта олинмаган, фақат боғчадаги фаолиятим учун тўловларга эътибор қаратилган.

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида ви-лоят архиви раҳбарларидан ёрдам сўрадик. Урганч туман идоралараро шахсий таркиб ҳужжатлари архиви бўлими томонидан 2018 йил 22 январда тақдим қилинган 132-рақамли маълумотнома қайд қилинишига, Назира Худайбер-ганованинг «Оқ олтин» жамоа хўжалигида ишла-ган давридаги иш ҳақи 1989 йилда 2779 сўм, 1990 йилда 4922,50 сўм, 1991 йилда 4721 сўм, 1992 йилда 44440 сўмни ташкил қилган. Бу юқорида тилга олганимиз — 2011 йил 18 январда имзола-нган далолатномада сохта деб топишган миқдорлар билан айнан бир хил! Очиги, қандай ҳулоса чиқари-лиши ҳам билмай қолдик. Тўғри, архив мутасад-дилари ҳисоблаш тўғрисидаги дафтарларда айрим тузатишлар борлигини ҳам билдиришган. Бироқ бу тузатишлар Н.Худайберганова томонидан кири-тилмаган-ку! Қолаверса, архив ходимлари ҳам хи-

соби дафтарларидаги ёзувларни борица кўчириб бе-ришган. Демак, ким томонидандир йўл қўйилган техник хато учун онахон жабр чекиши ҳам адолат-дан бўлмаса керак.

Дарвоқе, Пенсия жамғармаси вилоят бўлими томонидан бизга тақдим қилинган (*Урганч туман архиви томонидан 2011 йилда берилган бўлса керак, тўғриси, бу нусха сифатсиз қўйирилгани учун маълумотнома рақами ва берилган сана-сини келтиришнинг иложи йўқ*) Н.Худайберга-нованинг 1989 — 1992 йиллардаги иш ҳақи тўғри-сидаги Архив маълумотномаси нусхасида ҳам ту-затишлар йўқ эмас. Ушбу ҳужжатда 1989 — 1991 йиллардаги иш ҳақи ойма-ой келтирилмаган, жами даромад кўрсатилган. 1992 йил август ойида 160, сентябрда 89071, октябрда 6748, ноябрда 5147, де-кабрда 6513, қўшимча 12621 рақамлари қайд қи-линган ҳолда, жами 40160 рақами келтирилганли-гини ҳеч тушунмадик (математикани билмайман, шекилли, хар қанча уринмай, ақуний рақамни қан-дай бўлса, шундайлигича чиқара олмадим). Ваҳо-ланки, бу маълумотнома фуқарога пенсия нотўғри тайинланган деб топилишида асосий роллардан бирини ўйнаган.

Назира опа беш йилдирки, ўзига тўланаёт-ган нафақадан норози. Мутасаддилар хар гал унинг мурожаатига жавоб қайтаришар экан. Ўзбекистон Республикаси «Жисмоний ва юри-дик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига асосан, жавобдан норози бўлса, ўр-натилган тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини билдиришди. Бу қо-нунан тўғри бўлиши мумкин. Бироқ 66 ёшли аёлнинг идорама-идора кўзда ёш билан сарсон бўлиб юриши камми?

Биз Пенсия жамғармаси Хоразм вилоят бош-қармаси мутасаддиларидан Назира Худайберга-нова виртуал қабулхонага мурожаат қилганидан кейин, пенсияси қайта ҳисоб-қитоб қилинган-ки-лимаганлиги ҳақида сўрадик. Улар пенсияни қайта ҳисоблашнинг шартларидан бири сифа-тида пенсионер пенсия миқдорига таъсир кўрса-тувчи (пенсия тайинланганишга қадар иш стаж ва иш ҳақи тўғрисидаги бошқа бўлса) қўшимча ҳужжатларни тақдим қилиши лозим эканлигини билдиришди. Урганч туман идоралараро шах-сий таркиб ҳужжатлари Архив бўлимининг 2018 йил 22 январдаги 132-сонли Архив маълумотно-маси пенсияни қайта ҳисоб-қитоб қилишга асос бўлармикми? Шундай қилинса, Назира опанинг кўзёшлари, оворагарчиликларига барҳам бери-лармикми?! Нима бўлганда ҳам, масалани хал қи-лишни пенсия жамғармаси мутасаддиларига ҳа-вола этамиз.

Мўҳаббат ТўРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

ТАХРИРИЯТДАН: *Кимгадир мақолада қўтарилган мавзу, қолаверса гап кетаётган пенсия миқдори «арзимас»дек туюлар. Аммо гап адолат устида кетаяпти. Биз йиллар давомида айнан адолат истаб зор-ночор юрган бир онахоннинг дардларига тўхталдик. Ўйлаймизки, масалага мутасаддилар узил-кесил нуқта қўядилар. Биз буну жуда-жуда истардик.*

Хар баҳорда шу бўлар такрор

Кўприк жиддий таъмирга муҳтож, мутасаддилар эса жим

Телефоним жиринглади. Танишувдан сўнг кўнғироқ қилувчи долзарб муаммо юзасидан мурожаат этаётганини билдирди.



— Чирокчи туманидаги «Бешбулок» маҳалласида яшаймиз, — деди у. — Бизнинг Юкори Уйшун, кўшни Лолабулок, Сарикамиш кишлоқларимизни туман маркази билан боғлайдиган ички хўжаликларо автомобил йўлининг 3-километрида кўприк бор. Шу кўприкни ўтган йили сел оқиб кетди. Туман ҳокимлиги, тармоқ корхоналари, фавқулодда вазиятлар бошқармасидан вакиллар келиб унинг аҳоли талабга жавоб бермай қолди. Агар имкон бўлса, бир келиб танишиб, мақола тайёрласангиз...

Шу тарика «Бешбулок» маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Юкори Уйшун кишлоғига бордик. Кишлоқ туман марказидан қарийб қирқ километр узокликда жойлашган экан.

Кишлоқ аҳлининг билдиришича, ҳар йили ёнгингарилик натижасида ҳосил бўладиган сув оқимлари йиғилиб, улкан сойга айланар экан. Уша сойнинг ўзани айнан туман марказига борадиган йўлни кесиб ўтган. 1985-1986 йилларда ўзан узра тўртбурчак шаклдаги темир-бетон қувури ўрнатилиб, тупроқдан кўтарма қилинган.

Сув катта селга айланган кезлари кўприкдан ошиб оқади ва табиийки, унга ҳам катта талафот етказди.

— 2015 йилда кўприкни сув олиб кетганда, хашар йўли билан таъмирладик, — деди «Нуроний» жамғармасининг маҳалладаги вакили Болли ака Раҳмонов. — 2016 йилда яна катта сув келиб бузиб кетди. Тагин бир амаллаб таъмирладик. 2017 йил 21 март куни келган сел натижасида кўприкка анча талафот етди. Бунни туман ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари тузган даълолатнома ҳам тасдиқлайди. Биз туман Ободонлаштириш бошқармасида мавжуд бўлган «погрузчик» ва бошқа техникалар билан эпакга



MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2018-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:
Husan ERMATOV

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'liq Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalimov, Farhod Xanapiyev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (*bosh muharrir o'rinbosari*), Akmal Toshhev

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Elektron nashr va AKT — 256-87-73

Маърифат

Китоб қалби-мизни, тафаккуримизни ёритувчи нурдир. Қанча ўқисак, дунёқарашимиз шунча кенгайди, ақлий салоҳиятимиз ортади. Ўқиган инсон ёмон иллатлар, бепарволик, лоқайдликдан йироқ бўлади.

Гаройиб кутубхона

Ўқувчиларни китобга ошно этиш мақсадида мактабимизда «Гаройиб кутубхона» (A wonderful library) ташкил этилди. Гаройиблиги шундаки, ундан нафақат ўзбек ва жаҳон адабиётининг нодир дурдоналари, балки инглиз тилига доир луғат, хикоя, шеър, тўпламлар ҳам ўрин олган. Ўқувчилар ўзлари истаган адабиётлардан фойдаланишди, ўқиган асарлари тўғрисида фикр алмашишди. Бундан ота-оналар, мактаб жамоаси мамнун. Яқин кунларда «Китобхоналар кўни» ўтказишни режалаштирмоқдамиз. Талбирда фаол китобхоналар рабатлантирилади.

Х. худойшукурова,
Кўшқўприк туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси

Касаба уюшма фаоли

Умр дерлар бунни...

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар ўз касбига умрини, борлигини бағишлайди. 40 йилдан бери масъул идораларда, жумладан, касаба уюшмалари тизимида самарали меҳнат қилиб келаётган Равшан Маҳмадалиев, ҳеч шубҳасиз, шу тоифага мансуб.

Равшан акани иш жойидан кам топасиз. Гох пойтахтимиздаги бирон-бир корхонада меҳнат муҳофазаси бўйича маъруза қилаётган чоғида учратсангиз, баъзан ободонлаштириш бошқармасида ходимлар қуршовида кўришингиз табиий. Ҳар қандай вазиятга ҳолисона баҳо бериш, масалала оқилона ёндашиш унинг ҳаётий принципига айланган. Тошкент шахар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида фаолият кўрсатувчи бу инсон меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни такомиллаштиришда вақтини ҳам, ўзини ҳам аямайди.

— Устозимиздан бирон марта «бу иш менинг қўлимдан келмайди, бу бизнинг бўлимга тааллуқли эмас» деган гапни эшитмаганман. У кишидан биз — шогирдлар кўп нарсаларни ўрганамиз, — дейди Илхом Аъзамов.

Равшан Маҳмадалиев сўнгги икки йил давомида 15 дан ортиқ ҳуқуқи бузилган меҳнатқашлар манфаатини ҳимоя қилиб, 40 дан зиёд суд мажлисида иштирок этган бўлса, деярли барчасида масала фуқаролар фойдасига ҳал этилгани эътирофга лойиқ. Равшан ака хо-

димлар билан рўй бераётган ҳар бир бахтсиз ҳодисани ич-ичидан ҳис қилади, уларга дилдан ачинади. Жабр қўрган инсонларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилади.

— Меҳнат фаолиятимга 40 йил тўлибдики, ҳамон ўзимда чуқур масъулият ҳис қиламан, — дейди Равшан Маҳмадалиев. — Келгусида амалга оширадиган ишларимиз талайгина. Фуқароларимиз меҳнат муҳофазаси йўлида тинмай ишлашга, уларнинг муносиб меҳнат қилишига ўз ҳиссамни қўшишга интиламан.

Касаба уюшма тизимида ишлаётган ходимлардан Равшан Маҳмадалиев ҳақида сўрасангиз, «фидойи», «нотик», «билимдон» дея алкаб кетишади. Ҳа, чиндан ҳам Равшан ака моҳир нотик, билимдон инсон. У кишининг ҳис-ҳаяжон билан қилган маърузалари кўпчиликлда катта таассурот қолдирган. Бун-



дан ташқари, жамоат, маҳалла-қўй ишларида ҳам фаол. Маҳалладаги тўй-ҳашам, маърака бу инсонсиз ўтмайди.

Равшан Маҳмадалиев яқинда 60 ёшни қаршилайди. Узок йиллар давомида эл-юрт қорига яраган, юртдошлари манфаатини ўз манфаатидан устун қўйган бу инсонга чиндан ҳам ҳавас қилса арзийди. Мазмунли умр кечириётган Равшан ака ўз фаолияти орқали хали кўп йиллар одамларга фойда келтиришга шубҳа йўқ.

Давронбек ОРИПОВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшма спорти

Мерганлик баҳси

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хонқа туман кенгаши томонидан тармоқ касаба уюшмаси аъзолари ўртасида пневматик қуролдан ўқ отиш бўйича спорт мусобақаси уюштирилди.

— Тасарруфимиздаги бошланғич ташкилотларда 700 дан зиёд касаба уюшма аъзолари фаолият кўрсатади. Уларнинг бўш вақтига мазмун қиритишга алоҳида эътибор қаратаймиз. Бугунги мусобақа ҳам аъзолар хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда

ташкил этилди. Унда 30 дан зиёд бошланғич ташкилотдан вакиллар қатнашди, — дейди тармоқ туман кенгаши раиси Руслан Бобо-жонов.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Хонқа тумани ўқув

спорт техника клуби билан ҳамкорликда уюштирилган мусобақалар якунига кўра, биринчи ўрин Анвар Рўзметовга, иккинчи ўрин Комилжон Отаниёзовга, учинчи ўрин Салоҳиддин Қодировга насиб қилди.

— Ушбу мусобақа менда катта таассурот қолдирди, — дейди Анвар Рўзметов. — Аввало, мерганлик кишида тез ва тўғри фикрлаш, чакконлик, эпчиллик кўникмаларини шакллантиради. Голиблар касаба уюшмалари томонидан диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Мухаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

Хурматли Ишбилармон ва тadbirkorлар!

МЧК «Кўп тармоқли иттифоқлаштирилган аукцион савдо» (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш лойиҳаси томонидан Босон босончи-босончи олиб бориш тартибидан ўтказилган оғир ҳам оғир савдоси Тошкент шахар, Юнусobod тумани, Маъбулдорлар кўчаси 9-уй маҳалласи жойлашган Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Хизмати қарашли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари ҳам оғир савдоларига қўйилмоқда:

№	Автомобил номи	Иш. чик. йили	Давлат рақами	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сакланаётган жойи МХХ
1	Нексия	2006	25/033 TST	24 066 000	Жиззах
2	Нексия	2006	40/027 TST	23 188 898	Фаргона
3	Нексия	2004	40/045 TST	23 624 856	Фаргона
4	Нексия	2003	50/037 TST	28 000 000	Наманган
5	Нексия	2003	50/042 TST	25 181 100	Наманган
6	Нексия	2004	50/027 TST	28 480 300	Наманган
7	Нексия	2003	60/049 TST	26 300 000	Андижон
8	Нива Шевролет	2004	60/021 TST	34 500 000	Андижон
9	Нексия	2004	70/017 TST	28 000 000	Қарши
10	Нексия	2003	70/014 TST	26 000 000	Қарши
11	Нексия	2004	80/018 TST	25 666 986	Бухоро
12	Нива Шевролет	2005	80/014 TST	30 542 140	Бухоро
13	Нексия	2006	90/065 TST	25 742 139	Ургенч
14	Нексия	2003	90/015 TST	22 895 660	Тошкент
15	Нексия	2003	01/406 TST	27 479 000	Тошкент
16	Уаз 3962	2003	01/396 TST	24 832 000	Тошкент

Аукцион савдолари 2018 йилнинг 13, 27 март ва 3, 10, 17, 24 апрел кунлари соат 11:00 да Тошкент шахар, Олмазор тумани, Бегурий кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-қолада бўлиб ўтади. Маъмур автотранспорт воситалари 2018 йил 6 март кунги аукцион савдоларида сотилмай қолган тақдирда эълонда кўрсатилган кейинги белгиланган савдо кунларида ўтказилишини маълум қиламиз. Талабдорлар савдо ташкилотчасига савдода қатнашиш учун юзга келадиган барча ҳаражатларини ўз ҳисобидан амалга оширадирлар.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабдорлар мўлжёл бошланғич баҳосининг 10-фоизидан кам бўлмаган миқдорда аввалдан қўйилган ҳар бир мўлжёл учун алоҳида тартибда, КТИАСнинг ҳисоб рақамига 202080091492947001, АТББ «Иттифоқ банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 302074183, ОКОНХ 83200 га тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ҳам оғир савдоси ўтказилишига бир нун қўйилганда тўхтатилади.

Мувоқабат учун маълум: Тошкент шахар, Олмазор тумани, Бегурий кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59. Веб сайт: ktias.uz

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бirlaшмаси кенгаши давлат муассасалари, жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Ўргут туман кенгаши ҳисобчисини Одил Раҳмоновга онаси

Ойина БОБОҚУЛОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон касаба уюшма ташкилотлари бirlaшмаси Кенгаши жамоаси бirlaшманининг ёшлар масалалари бўйича раис маслаҳатчиси Нурлан Алиева онаси

Гулар САҒЫБАЕВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«O'zbekinvest Hayot» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги сугурта компанияси жамоаси Бухоро вилояти филиали директори Эркин Алмиджановга отаси

Хайрулло АЛИМДЖАНОВнинг вафоти муносабати билан таъзия изхор қилади.

Миллий спортимиз давомчилари

Миллий байроғимиз акси туширилган спорт кийимларидаги ёшларга қараб ҳавасингиз келадди. Айниқса, уларнинг мураббий буюрган машқларни меҳр ва муҳаббат билан бажараётганлигини айтмайсизми?

— Тўғрагимиз ташкил этилган, қисқа вақтда атрофимизга қўлаб ёшлар йиғилди, — дейди мураббий Ойбек Маҳмудов. — Ҳар бири билан суҳбатлашиб, синовдан ўтказган ҳолда, сафимизга қабул қилдик. Интилувчан, ўз устида тинимсиз ишлайдиган, ушбу спорт турига қизиққан ёшларимиз ҳамон келиб қўшимоқда.

Тўғрақ қатнашчиларини ҳам гапга туздик.

— 4 йилдан буён ўзбек жанг санъати билан шугулланаман, — дейди Сирғали туманидаги 300-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Рустамбек Баҳромов. — Ўтган вақт ичида Ўзбекистон чемпионатида беш қара голиб бўлишга эришдим. Ўзим асосан 50

кг.вазнда гиламга чиқаман. Бундан ташқари, шахар ва туманларда ташкил этиладиган тadbirkorларда кўргазмаларда чиқишларни намойиш этаймиз.

— 317-мактабнинг 5-синфиди ўқийман. Мазкур спорт тури билан 4 ёшимдан шугулланаман. Аввалгига ойим «киз болага тўғри келмайди», деб қаршилиқ қилди. Борама, деб туриб олганимдан кейин рози бўлишди. Дадим эса барча шаронгли яратиб берди, — дейди Зилола Жўраева. — Шу кунгача бир неча бор Ўзбекистон чемпионати бўлишга эришдим. Қиз боланинг жанг спорти билан шугулланишини кўчилик маъқулламайди. Бу фикрнинг нотўғрилигини ўзим мисолида исботлашим мумкин. Авваллари кўп касал бўлардим. Ҳозир бундай муаммо йўқ. Аксинча, спорт билан мунтазам шугулланиш соғлом бўлишнинг гарови экан. Тендошларимга ҳам шу спорт тури билан шугулланишини маслаҳат берган бўлардим. Чунки

мен ҳам соғломликка, ҳам бир неча бор Ўзбекистон чемпионати бўлишга эришдим. Шуниндек, халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилиб, совринли ўринларни қўлга қиритиб келмоқдаман.

Устозим Ойбек ака Маҳмудов хатоларимиз устиди ишлаб, тўғрилашни маслаҳат берди. У киши жуда ҳам каттиққўл мураббий. Ҳар доим биз ёшларга ўргатишдан қармамайди. Машғулотларда тинимсиз иштирок этиб, маҳоратинг-ни оширишга интиланг, кун келиб ютуқларнинг ўзи сени излаб келадди, дея уқтиради.

Дарҳақиқат, ҳаракат, интилиш кишини муваффақият сари элтади. Машғулотларни астойдил бажараётган ўғил-қизларнинг келаракатларини кузатарканмиз, ҳажақда юртимиз шарафини ҳимоя қилувчи спортчилар айнан шулар бўлишга ишончимиз ортиди.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Toshiev
Navbatchi:
J. Ergashev
Musahhih:
S. Shodiyeva
Sahifalovchi:
H. Abdullajilov
Boshishta topshirish vaqti — 21:15
Topshirildi — 22:40
1 2 3 4 5 6
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bo'sma taboq.
Buyurtma A — 209.
35402 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133